

## БОЗОРЛАР ҲУДУДИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Атажанов Ўткир Маматсалаевич**

*Мустақил тадқиқотчи*

**Ҳамидалиев Асадбек Жасур ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги*

*Таълим 3-ўқув курси 317-гуруҳ курсанти*

**Аннотация:** Ушбу мақола профилактика инспекторларининг бозорлар ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилишга бағишланган. Таҳлил Вазирлар Маҳкамасининг 791-сон Қарори ва Президентнинг ПҚ-1-сон Концепцияси томонидан киритилган янги механизмларга қаратилган. Ушбу механизмлар профилактика инспекторининг ваколатларини кенгайтириб, унга бозор маъмуриятига ижроси мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ҳуқуқини бериш, бозорларни видеокузатув тизимлари (ВКТ) билан мажбурий жиҳозлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда СРТЕД (атроф-муҳитни лойиҳалаш) каби илғор концепцияларни татбиқ этишни ўз ичига олади. Мақолада мавжуд ҳуқуқий асосларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, профилактика инспектори талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш, қўриқлаш хизматидан мажбурий фойдаланиш талабига риоя этмаганлик учун санкцияларни жорий этиш каби аниқ ҳуқуқий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, бозорлар, профилактика инспектори, жамоат тартиби, тақдимнома, мажбурий қўриқлаш.

## АНАЛИЗ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ ОСНОВ СИСТЕМЫ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ РЫНКОВ

**Аннотация:** Данная научная статья посвящена анализу организационно-правовых основ системы профилактики правонарушений на территории рынков Республики Узбекистан. Анализ сфокусирован на новых механизмах, введенных Постановлением Кабинета Министров № 791 и Концепцией Президента (ПҚ-1). Эти механизмы включают расширение полномочий инспектора по профилактике, предоставление ему права вносить обязательные для исполнения представления администрации рынка, обязательное оснащение рынков системами видеонаблюдения (ВКТ), а также внедрение передовых концепций, таких как СРТЕД (предотвращение преступности через средовое проектирование). В целях повышения эффективности существующих правовых основ, в статье разработаны конкретные правовые предложения, включая усиление административной ответственности за невыполнение требований

*инспектора по профилактике и введение санкций за несоблюдение обязательного использования охранных услуг.*

**Ключевые слова:** инспектор профилактики, профилактика правонарушений, общественный порядок, представление, обязательная охрана, организационно-правовые основы, органы внутренних дел, общественная безопасность.

Марказий Осиёдаги бозор жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида энг қизиқарли ва бир вақтнинг ўзида етарлича ўрганилмаган ҳодисалардан бири ҳисобланади. Бозор — шарқ жамияти ҳаётининг муҳим элементи, ўзига хос қонун-қоидаларига эга, жамият тузилиши ва иқтисодий муносабатларнинг амалдаги тартибини ўзида акс эттирувчи ижтимоий маскандир.

Марказий Осиё бозорлари тарихи жуда қадимга бориб тақалади. Ўтмишда одамлар ҳаётини бозорсиз тасаввур этиш қийин бўлган. Бизгача етиб келган ёзма манбаларда савдо жойлари ҳақида маълумотлар жуда кўп учрайди. Ўша давр сайёҳлари шаҳар ва манзилларни тавсифлар экан, албатта, “бозор” деб аталган савдо майдонларини алоҳида зикр қилганлар.

Бугунги кунда ҳам энциклопедик манбалардаги таърифлар бозорнинг анъанавий моҳиятини акс эттиради. Масалан, умумий таърифга кўра, бозор — бу кўп сонли сотувчи ва харидорлар қатнашадиган, одатда очик осмон остида ташкил этилувчи савдо майдони бўлиб, ҳафтанинг маълум кунларида фаолият юритади.

Аслида, бундай бозорлар Марказий Осиёда қадим замонлардан бери мавжуд бўлган: ҳар бир йирик аҳоли манзилида товар алмашинуви амалга ошириладиган майдонлар бўлиб, улар кўчманчи ва деҳқончиликка асосланган ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алмашинувнинг муҳим маркази вазифасини бажарган.

Замонавий бозорлар ҳам аҳоли эҳтиёжларини қондиришда, ички савдо айланмасини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Бироқ одамлар оқимининг юқорилиги, тижорат муносабатларининг серқирралиги ва нақд пул айланмасининг катталиги сабабли, бозор ҳудудларида ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимоли ҳам юқори бўлади. Шу боис бозорларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш — жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим ва стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бозорларда энг кўп учрайдиган ҳуқуқбузарликлар қуйидагилар:

- ❑ майда ўғирликлар;
- ❑ фирибгарлик (савдо чоғида алдаш, сифатсиз товар сотиш);
- ❑ тадбиркорлик фаолияти қоидаларини бузиш;
- ❑ санитария-гигиена талабларига риоя қилмаслик;
- ❑ ноқонуний савдо;
- ❑ автотураргоҳларда йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш;

❑ жамоат тартибини бузиш.

Бундай ҳуқуқбузарликлар аҳолининг норозилигига сабаб бўлади, бозорнинг ижтимоий-иқтисодий нуфузига салбий таъсир кўрсатади ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун қўшимча вазифалар юклайди.

Ўзбекистон Республикасида "Инсон кадрлари учун" тамойили асосида амалга ошириладиган жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар шароитида, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини умумиллий ҳаракатга айлантириш концепцияси (хусусан, Президентнинг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон Фармони) доирасида, бозорлар ҳудудларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бозорлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг муҳим бўғини ҳисобланади. Улар аҳоли гавжум бўлган, савдо-сотиқ жараёнлари фаол кечадиган, йирик мажмуалар бўлиб, бу эса ушбу ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун доимий ва самарали профилактик чораларни талаб этади.

Амалиётда, бозор ҳудудларида ноқонуний савдо, ўғирлик, фирибгарлик ва бошқа турдаги майда ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимоли юқори ҳисобланади. Айнан бозорларнинг ўзига хос криминологик муҳити – яъни, катта миқдордаги нақд пул айланмаси, одамларнинг эътибори паст бўлиши ва савдодаги шошма-шошарлик – ушбу турдаги жиноятлар учун қулай шароит яратади, бу эса латент (яширин) жиноятчиликнинг юқори даражасини келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 ноябрдаги 791-сон Қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланганидек, йирик бозорларда жамоат тартибини сақлаш билан бирга ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, ушбу мақоланинг мақсади бозорларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мавжуд тизимини комплекс таҳлил қилиш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган янги механизм ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг муваффақияти кўп жиҳатдан профилактика инспектори фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қанчалик мустаҳкамлиги ва амалий самарадорлигига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил

18 августдаги ПҚ-253-сон Қарори билан айрим қарорларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек, унинг негизида қабул қилинган Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар Концепцияси маҳаллаларда, жумладан, бозор атрофидаги ҳудудлардаги криминоген вазиятни яхшилашга қаратилган янги сиёсий-ҳуқуқий ёндашувни шакллантирди. Бу ҳужжатлар билан профилактика

инспектори (катта инспектори)га юклатилган вазифалар кўлами сифат жиҳатидан кенгайди ва унинг ҳудудий профилактикадаги роли кучайтирилди.

Хусусан, Концепцияда йирик шаҳар марказларидаги бозор атрофидаги ноқонуний савдо расталари ва автотураргоҳларни тартибга солиш чораларини кўриш тизимли муаммо сифатида аниқ кўрсатилган. Бу, профилактика фаолиятининг фақат бозорнинг ички қисмига эмас, балки бозорга туташ ҳудудлардаги криминогенлик манбаларини бартараф этиш каби муҳим ташқи муаммоларга ҳам қаратилишини ҳуқуқий жиҳатдан асослайди. Шу тариқа, инспектор фаолиятининг доираси ички назоратдан ташқи ҳудудий тартибга солиш вазифалари билан бойитилди. Бозор ҳудудларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий асоси бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бу тизимда, асосий ўринни бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва уларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эгаллайди.

Асосий тартибга солувчи ҳужжатлардан бири – Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари"дир. Ушбу Қоидалар бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятининг умумий ташкилий-ҳуқуқий талабларини белгилайди.

Мазкур Қоидалар, жумладан, бозорлар ҳудудида қайси турдаги товарларни сотиш тақиқланганлигини аниқ кўрсатади (масалан, ноозиқ-овқат товарларини турғун савдо шохобчаларидан ташқари сотиш, алкогольли маҳсулотларни сотишнинг чекланганлиги, хорижий валютани ноқонуний сотиш тақиқланганлиги). Бу чеклашлар иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бевосита профилактик нормалар ҳисобланади.

Бундан ташқари, Қоидалар бозор маъмуриятининг мажбуриятларини, хусусан, жамоат тартибини сақлаш, кўриқлашни ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш ҳамда бозорнинг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни таъминлашни белгилайди. Бу мажбуриятлар бозорлардаги ҳуқуқбузарликларнинг хусусий профилактикаси механизмларини ташкил этувчи асосий элементлардандир.

Қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш ва мониторинг қилиш, жумладан, санитария, ветеринария, ёнғин хавфсизлиги ва солиқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш тегишли давлат органларига юклатилган. Бу кўп тармоқли назорат тизими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторининг ушбу комплекс назорат жараёнларида фаол иштирок этиши учун ҳуқуқий асос яратади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришда, айниқса, бозорлар каби аҳоли гавжум жойлардаги хавфсизликни кучайтиришда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон

Фармони ҳамда 2024 йил 11 апрелдаги ПҚ-155-сон Қарорига мувофиқ қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 ноябрдаги 791-сон Қарори муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу Қарор билан тасдиқланган "Йирик бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низом" (2025 йил 1 мартдан кучга кирган) профилактика фаолиятининг ташкилий ва техник жиҳатларига янгича ёндашувни жорий этди. Низомга кўра, йирик бозор тушунчаси (300 ва ундан ортиқ турғун савдо шохобчалари) аниқ белгиланди, бу профилактика чораларини энг криминоген мураккаб объектларга қаратиш имконини беради.

Қарор, хусусан, профилактик чораларнинг ташкилий тартиби, технологик жиҳозлаш талаблари (ВКТ, ташвиш-чақирув сигнализацияси, ташвиш тугмалари ва овозли хабар берувчи ускуналар) ҳамда жамоат тартибини сақлаш субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берди. 791-сон Қарор ва Концепция қабул қилингандан сўнг, профилактика инспекторининг бозор худудларидаги фаолияти анча аниқ, тизимли ва кенг ваколатлар билан таъминланди, бу эса унинг маъмурий-ҳуқуқий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилди.

Бу механизмлар Ички ишлар органлари ходимларининг назорат ва криминоген мониторинг (ВКТни назорат қилиш), ҳуқуқбузарликка чек қўйиш (чеклаш ва маъмурий чоралар кўриш) ва ҳамкорлик (мажбурий тақдимномалар киритиш орқали маъмурият билан ишлаш) каби уч асосий йўналишдаги фаолиятини ўз ичига олади.

Профилактика инспекторига (шу жумладан, куч тузилмалари ходимларига) муҳим назорат-мажбурлов ваколатлари берилди: Биринчидан, профилактик текширувлар ўтказиш, яъни, шубҳали шахсларнинг ҳужжатларини текшириш ва уларнинг ёнидаги буюм ва ашёларини кўздан кечириш, бу криминалистик кузатув функцияси учун муҳимдир. Иккинчидан, маъмурий чекловлар жорий этиш (маст ҳолатдаги ёки тартибсизлик келтирувчи шахсларнинг киришини чеклаш) орқали тезкор профилактика таъминланади. Учинчидан, объект маъмуриятига ҳуқуқбузарликлар сабабларини бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ваколоти белгиланди, бу инспекторнинг ҳуқуқий таъсир ўтказиш воситаси сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Энг муҳими, Низом бозорларни ВК тизими, ташвиш тугмалари ва овозли хабар бериш тизими каби замонавий техник воситалар билан жиҳозлаш талабларини белгилади. ВК тизимидан олинган видеосигналнинг Ситуацион марказларга онлайн узатилиши шартлиги белгиланиши технологик профилактика механизмнинг ҳуқуқий асосини яратиб, ҳуқуқбузарликларни тезкор аниқлаш имкониятини кескин оширади. Бундан ташқари, Янги Концепция асосида бозор атрофидаги ноқонуний савдо расталари ва

автотураргоҳларни тартибга солиш тизимли муаммо сифатида тан олинб, профилактика чораларини бозорнинг ўзидан ташқари, унга туташ ҳудудларга ҳам йўналтиришни талаб этди. Шунингдек, CPED (атроф-муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятларнинг олдини олиш) концепциясининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва уни бино-иншоотларни қуришда татбиқ этиш мажбурияти белгиланди. Жиноятдан жабрланиш эҳтимолини олдини олиш бўйича бозор мажмуалари атрофидаги ташкилот ва идоралар масъул раҳбарларига шахсий жавобгарлик белгиланиши, инспекторнинг маъмурият билан ишлашдаги ҳуқуқий таъсир ўтказиш ролини кескин оширади.

Профилактика инспекторига (шу жумладан, ушбу куч тузилмалари ходимларига) қуйидаги муҳим назорат-мажбурлов ваколатлари берилди:

Биринчидан, профилактик текширувлар ўтказиш, яъни, шубҳали шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш, уларнинг ёнидаги буюм ва ашёларини кўздан кечириш ваколати берилди; бу механизм криминалистик кузатув функциясини амалга оширишга хизмат қилиб, бозорлардаги ўғирлик, фирибгарлик ва ноқонуний савдо каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, киришни чеклаш ваколати берилди, бунда ИИО ходими маст ҳолатдаги ёки бозор ҳудудида тартибсизлик келтирувчи шахсларнинг бозорга киришини чеклаш орқали маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тезкор профилактикасини таъминлайди.

Учинчидан, маъмуриятга таъсир ўтказиш воситаси сифатида объект маъмуриятига ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ваколати белгиланди. Айнан охирги ваколат профилактика инспекторининг бозор маъмурияти қарорларига ҳуқуқий таъсир ўтказиш воситаси сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, профилактик чораларнинг амалга оширилишини мажбурий кафолатлайди ва маъмуриятнинг хавфсизлик учун масъулиятини оширади.

Бу механизм, биринчи йўналишда айниқса, бозорларда кўп учрайдиган ўғирлик, фирибгарлик ва ноқонуний савдо каби мулкий жиноятларнинг олдини олишда ҳамда криминалистик кузатув функциясини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Иккинчи йўналиш — маъмурий чекловлар жорий этиш бўлиб, ИИО ходими маст ҳолатдаги ёки бозор ҳудудида тартибсизлик келтирувчи шахсларнинг бозорга киришини чеклаш ёки уларни ҳудуддан олиб чиқиш чораларини кўриш ваколатига эга. Бу, майда безорилик ва жамоат тартибини бузиш каби маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тезкор профилактикаси учун самарали восита ҳисобланади. Учинчи ва энг инновацион йўналиш — техник назоратни мувофиқлаштириш функциясидир, бунда профилактика инспектори бозорнинг видеокузатув тизимлари (ВКТ) ва "ташвиш" тугмаларининг узлуксиз ишлашини назорат қилади, шунингдек, ВКТдан олинган маълумотларнинг

худудий ИИОнинг Ситуацион марказига узлуксиз узатилишини текширади. Бу ваколат инспекторнинг назорат функциясини технологик жиҳатдан кучайтириб, ҳуқуқбузарликларни техник идентификациялаш ва воқеаларга тезкор муносабат билдириш имкониятини оширади.

Янги Концепция бозор худудларида профилактика инспектори фаолиятининг кенгайтирилган худудий ва ташкилий доирасини белгилаб берди. Эндиликда, профилактика инспектори фаолияти фақат бозорнинг ўзида эмас, балки бозор атрофидаги криминоген вазияти мураккаб бўлган маҳаллаларда ҳам кучайтиришни талаб этади. Бунда инспектор бозор атрофидаги муаммоларни ҳал этиш, хусусан, ноқонуний савдо расталари ва автотураргоҳларни тартибга солиш бўйича манзилли чораларни кўришда бевосита иштирок этиши шарт. Бу фаолият профилактиканинг хусусийдан умумийга ўтиш тамойилини амалга оширади. Шунингдек, 791-сон Низомга кўра, ИИО ходимлари бозор маъмуриятига ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу инспекторнинг маъмурият қарорларига ҳуқуқий таъсир ўтказишдаги асосий ваколати ҳисобланади. Бундан ташқари, мол-мулк қўриқловини мажбурлаш ваколати доирасида профилактика инспектори бозор маъмурияти ва савдо субъектлари томонидан қўриқлаш хизматидан фойдаланиш мажбурийлиги тўғрисидаги талабга риоя этилишини назорат қилишда қатнашади, бу эса хусусий хавфсизлик хизматларини ҳам профилактика тизимига интеграциялашни таъминлайди. Идоралараро ҳамкорлик ҳам Низомнинг муҳим талаби бўлиб, инспектор бозор худудида хизмат ўтаётган Миллий гвардия, ФВВ бўлинмалари ҳамда объект маъмурияти билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўяди, уларнинг хавфсизлик чораларига риоя этишини назорат қилади. Концепция ташкилий-кадрлар механизмларини белгилаш орқали профилактика инспекторининг малакасини ошириш ва унинг фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган тизимли ёндашувни жорий этди: криминоген мураккаб маҳаллаларда (шу жумладан бозор атрофида) камида 2 нафар, вазиятдан келиб чиқиб 3 нафаргача профилактика инспекторлари штати ташкил этилиши ва уларга махсус устама тўлаш амалиёти жорий этилмоқда. Бу, инспекторларнинг бозор худудларидаги юқори хизмат юкламасига қаратилган, инсон ресурсларини кучайтиришга қаратилган тизимли ечим ҳисобланади ва профилактика фаолиятининг сифатини оширишга хизмат қилади.

Янги Концепциянинг илмий-амалий ёндашуви таълим муассасалари раҳбарларининг Концепцияга асосан илмий хулосалар, тавсиялар ва методикаларни ишлаб чиқишга ва уларнинг амалиётга татбиқ этилишига шахсий жавобгарлиги белгиланиши орқали илм-фан ва амалиёт ўртасидаги узвий боғлиқликни мустаҳкамлайди; профилактика инспектори ўз фаолиятини айнан ушбу илмий асосланган тавсиялар асосида ташкил этиши шарт. Бозор

худудларида профилактика инспектори фаолиятини тартибга солувчи норматив база мавжуд бўлса-да, Концепцияда ва амалиётда тизимли муаммолар мавжудлиги қайд этилган ва уларни бартараф этишнинг ҳуқуқий йўллари топиш инспектор фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий омили ҳисобланади. Аниқланган тизимли муаммолар таҳлили Концепцияда бозорлар атрофидаги криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор муаммоларни ошкор этди: Профилактика инспекторларининг хизмат юкламасининг юқорилиги (кадрлар муаммоси) — инспекторларнинг юкламаси юқорилиги, "маҳалла еттилиги" вакилларининг эса ижтимоий профилактикага оид билим, тажриба ва маҳорати етарли эмаслиги фаолият натижадорлигининг паст бўлишига олиб келмоқда; Ноқонуний савдони назорат қилишдаги бўшлиқ — йирик шаҳар марказларидаги бозор атрофидаги ноқонуний савдо расталари ва автотураргоҳларни тартибга солиш чораларининг етарли даражада кўрилмаётганлиги бозор ташқи ҳудудида жамоат тартибининг бузилиши ва ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда; Объект хавфсизлигининг пастлиги (техник муаммо) — маҳаллалар ва уларга туташ бозорлар ҳудудидаги давлат ва нодавлат идора ва ташкилотлар, савдо ва бозор мажмуалари атрофида ҳуқуқ-тартибот тизимининг куч ва воситаларининг, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки кўриқлови даражасининг пастлиги; Шаҳарсозликдаги профилактик ёндашувнинг йўқлиги — СРТЕД (атроф-муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятларнинг олдини олиш) концепцияси асосида маҳаллаларда ва бозорларда илғор хорижий тажрибаларнинг татбиқ этилмаганлиги муаммолари аниқланди. Ушбу муаммоларни бартараф этишнинг ҳуқуқий йўллари янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган механизмларни тўлиқ ва мақсадли қўллашда акс этади. Юқори юклама ва самарадорлик пастлиги муаммоси кадрлар сиёсатини кучайтириш (криминоген мураккаб маҳаллаларга 2-3 нафар профилактика инспектори штатини ташкил этиш ва махсус устама тўлаш) ҳамда таълим ташкилотлари томонидан мастер-класслар ўтказиш орқали касбий маҳоратни ошириш орқали ҳал қилинади; Ноқонуний савдо ва тартибсизлик муаммоси Профилактика инспекторининг 791-сон Низомга асосан бозор маъмуриятига ҳуқуқбузарликлар сабабларини бартараф этиш тўғрисида ижроси мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ваколатидан фаол фойдаланиш орқали бартараф этилади; Объект хавфсизлигининг пастлиги муаммоси бозорлар учун кўриқлаш хизматидан мажбурий фойдаланишни таъминлаш ва бозорларни 791-сон Низомда белгиланган ВКТ ва бошқа хавфсизлик тизимлари билан тўлиқ жиҳозлаш талабини бажаришга бозор маъмуриятининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш орқали ҳал этилади; Шаҳарсозликдаги профилактик ёндашувнинг йўқлиги муаммоси эса СРТЕД стандартларини ишлаб чиқиш ва уни бозорлар, савдо мажмуаларини қуриш ва реконструкция қилишда шаҳарсозлик қоидалари ва нормаларига мажбурий

татбиқ этиш орқали келажакда ҳуқуқбузарликлар учун шароит яратадиган архитектуравий ечимларнинг олдини олади. Ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида бозор ҳудудларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим норматив-ҳуқуқий база (айниқса, ВМнинг 791-сон Қарори ва Президентнинг ПҚ-1-сон Концепцияси) яратилган бўлиб, ушбу ҳужжатлардаги механизмларни тўлиқ қўллаш профилактика инспектори фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун ҳуқуқий асос яратади. Концепцияда қайд этилган муаммолар тизимни янада оптималлаштириш, яъни, мавжуд ҳуқуқий механизмларни амалиётда тўлиқ ва самарали қўллаш учун қўшимча чораларни талаб этади. Бунда ҳуқуқий таъсир воситаларининг кучайиши муҳим аҳамият касб этди: 791-сон Низом орқали профилактика инспекторининг бозор маъмуриятига ижроси мажбурий бўлган тақдимнома киритиш ваколати берилгани, унинг ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини бартараф этишдаги ташкилий-ҳуқуқий ролини кескин оширди. Шунингдек, технологик асоснинг мустаҳкамланиши доирасида бозорларни ВКТ, ташвиш тугмалари ва овозли хабар бериш тизимлари билан мажбурий жиҳозлаш ва бу маълумотларни ИИОнинг Ситуацион марказига узатиш талаби ҳуқуқбузарликларни тезкор аниқлаш ва олдини олиш учун муҳим техник-ҳуқуқий асос бўлди. Тизимли ёндашувнинг жорий этилиши эса Концепция (ПҚ-1) асосида бозор атрофидаги ноқонуний савдо ва СРТЕД (атроф-муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятларнинг олдини олиш) концепциясини татбиқ этиш ва қўриқлаш хизматидан мажбурий фойдаланиш талабининг белгиланиши профилактика фаолиятининг комплекс ва илмий ёндашувини таъминлашга қаратилган. Ушбу янгиланган ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик асосида профилактика инспекторининг бозор ҳудудларидаги фаолиятини янада такомиллаштириш учун қуйидаги ҳуқуқий таклифлар киритилади: Мажбурий Тақдимнома Таъсирини Кучайтириш мақсадида, Профилактика инспектори ёки тегишли ИИО раҳбарларига 791-сон Низомга асосан киритилган тақдимнома талабларини мунтазам равишда бажармаган бозор маъмурияти ёки алоҳида савдо шохобчаларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий жарима ёки фаолиятни вақтинча тўхтатиш каби аниқ жавобгарлик чораларини белгилаш. Бу чора тақдимномаларнинг ижросини таъминлаш ва бозор маъмуриятининг профилактикага нисбатан масъулиятини ошириш учун ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади.

Профилактика фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини мустаҳкамлаш мақсадида, амалдаги қонунчилик асосида профилактика инспекторининг бозор ҳудудларидаги фаолиятини янада такомиллаштириш учун қуйидаги қўшимча ҳуқуқий таклифлар киритилади: қўриқлаш хизмати талабига риоя этмаганлик учун ҳуқуқий санкцияни кучайтириш – Концепцияда белгиланган қўриқлаш

хизматидан мажбурий фойдаланиш талабига риоя этмаган бозор ва савдо мажмуалари раҳбарларига нисбатан аниқ, юқори молиявий санкцияларни (жарималарни) жорий этиш таклиф этилади; бу чора Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ёки тегишли низомларга киритилиши орқали мол-мулк кўриқлови даражасини оширишга мажбурлайди ва хавфсизлик учун маъмуриятнинг масъулиятини оширади. СРТЕД стандартларини мажбурий қўллаш (ҳуқуқий кодификация) – Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига бозорларни янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва модернизация қилишда ҳам СРТЕД концепциясининг миллий стандартларини (масалан, ёритиш меъёрлари, кириш-чиқиш жойларини хавфсиз лойиҳалаш, кўриш зоналарини очиқ қолдириш) мажбурий татбиқ этиш тўғрисидаги аниқ нормани киритиш мақсадга мувофиқ; бу, узоқ муддатли истиқболда ҳуқуқбузарликлар келиб чиқишига имкон берувчи архитектуравий шарт-шароитларни йўқотишга хизмат қилади. бозор атрофидаги ноқонуний савдога қарши курашишнинг аниқ механизмининг жорий этиш – туман (шаҳар) ҳокимлиги ва прокуратураси билан ҳамкорликда Профилактика инспекторининг ташаббуси асосида, бозорларга туташ ҳудудлардаги ноқонуний савдо ва автотураргоҳларни тартибга солиш бўйича ҳар ойлик манзилли рейдлар ўтказиш тизимини тегишли ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ белгилаш зарур; бу, бозор ташқи ҳудудидаги криминоген вазиятнинг асосий манбаларидан бирини йўқотишга қаратилган инспектор фаолиятининг ҳудудий кенгайтирилган механизми бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг, айниқса, бозорлар ҳудудидаги хавфсизликни таъминлашга қаратилган ислоҳотлар (Вазирлар Маҳкамасининг 791-сон Қарори ва Президентнинг ПҚ-1-сон Концепцияси) тизимни сифат жиҳатидан янги, проактив, технологик ва идоралараро ҳамкорликка асосланган босқичга олиб чиқди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, профилактика инспектори фаолияти "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонун ҳамда 791-сон Низом каби махсус ҳужжатлар билан мустаҳкамланиб, инспекторга ижроси мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ваколати берилди, бу эса унинг бозор маъмуриятига ҳуқуқий таъсирини кескин оширди. Шу билан бирга, бозорларни ВКТ, "ташвиш" тугмалари билан мажбурий жиҳозлаш талаби технологик профилактика механизмининг асосини яратди. Концепцияда СРТЕД (атроф-муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятларнинг олдини олиш) концепциясининг татбиқ этиш ва бозор атрофидаги ноқонуний савдо манбаларини йўқотишга эътибор қаратилиши профилактиканинг ҳудудий ва илмий доирасини кенгайтди. Бироқ, фаолият самарадорлигини тўлиқ таъминлаш учун мавжуд ҳуқуқий механизмларни амалиётда тўлиқ қўллаш учун кўшимча чоралар талаб этилади; хусусан, Профилактика инспекторининг мажбурий тақдимномаларини бажармаганлик учун (МЖТКда) аниқ маъмурий жавобгарлик чораларини белгилаш, кўриқлаш хизматидан мажбурий

фойдаланиш талабига риоя этмаганлик учун юқори молиявий санкциялар жорий этиш ҳамда СРТЕД стандартларини шаҳарсозлик нормаларига мажбурий киритиш каби ҳуқуқий таклифларнинг амалиётга киритилиши зарур. Умуман олганда, яратилган ҳуқуқий база бозорларнинг криминоген барқарорлигини таъминлаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) <https://lex.uz/docs/6445145> (Мурожаат вақти: 08.10.2025й)
2. Ш.М. Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Халқ сўзи, 2016, № 243 (6678), Б.1-3.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. (Мурожаат вақти: 08.10.2025й)
4. 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. (Мурожаат вақти: 08.10.2025й).
5. Атажанов Ў. М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР //World scientific research journal. – 2023. – Т. 12. – №. 2. – С. 81-89.
6. Атажанов Ў. Шаҳар ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика инспектори фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги ҳолати ва ўзига хос хусусиятлари //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 24-30.
7. Майор А. Ў. М. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИДАГИ ҲИСОБОТ БЕРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 11. – №. 6. – С. 117-121.